

Майя ҳиндулари оммавий равишда Исломни қабул қилишмоқда



15:05 / 27.10.2019 4039

Мексиканинг қоқ юрагида ҳиндуларнинг Цоциля халқи яшайди. Бу авлод Майя халқига мансуб бўлиб, сон жиҳатидан кўпчилик мусулмонлар жамоасини ташкил этувчи аҳоли ҳисобланади.

Мексиканинг маҳаллий Майя аҳолисининг кўп қисми асосан, Рим-католикларини ташкил қилганига қарамай, мусулмонларнинг фаол жамоаси кўпайганлигини кўрсатди. Бу ҳақда yenicag.ru манбаси хабар беради.

Беқиёс ландшафтли тоғ манзараси билан бурканган жанубий Чьяпас штатида юзлаб кишилардан ва асосан Цоцилянинг маҳаллий эркак ва аёлларидан иборат бўлган кичик мусулмонлар жамоаси яшайди. Уларнинг аксарияти асосан католик ва бошқалари насронийликни тарк этиб, Исломни қабул қилганлар.

Бу ерда яшовчи мусулмонлар ҳиндуларнинг анъанавий кийинишларидан ажралиб туради. Яъни эркаклар бош кийимлари билан аёллар эса Аллоҳ таоло буюрган ҳижоблари билан истиқомат қилишади.



Маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра, Ислом динини қабул қилиш бу ерда 80-йилларнинг охирида бошланган. Ўша пайтнинг ўзида Мексикадаги саматистлар ҳаракати Чьяпасга интилишни кучайтирган. Чунки институтлар, жумладан насронийлик ва капитализм тобора танқид остига олинган.

Ҳиндулар жамоасининг собиқ инжилчилар руҳонийси Умар, 1990 йилларнинг охирларида Исломни қабул қилади ва ҳозирда маҳаллий масиҳийлар ва мусулмонлар ўртасидаги ўзига хос кўприк вазифасини бажариб хизмат қилмоқда.

«Одамлар бизга бошқача назар билан қарашарди, улар бизни террорист деб ўйлашарди ва биздан кўрқишарди. Аммо вақт ўтиши билан бундай фикрлар ўзгарди», дейди Мустафо.

— Бизнинг динимиз монотеистик. Аммо биз азизларга сажда қилмаймиз.

55 ёшли Муҳаммад Амин Исломни қабул қилишининг асосий сабабини тушунтирди.

«Мен покиза бўлиб, кийиниб юришни яхши кўраман. Бу соф дин ва мени аввалдан у эътиборимни жалб қилган эди», дейди у.

Қайд этиш керакки аҳолини рўйхатга олишнинг охириги натижаларига кўра, мексикаликларнинг тахминан 83 фоизи католиклардир. Мусулмонлар Мексика аҳолисининг 1 фоизидан камроғини ташкил этади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**